Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 22 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 7 (6903)

*Даъват*

Руҳимизнинг маънавий қуввати бўлган виждонимиз фикримизга қувват берувчи идрок воситасидир.

АРАСТУ

*Ибрат*

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги «Қизил уй» жамоа хўжалигида қишки таътилдан сўнг машғулотлар 464 ўринли янги мактабда бошланди. Бу зиё масканини «Оролсувқурилиш» бирлашмасининг 18-кўчма механизациялашган жамоаси азамат қурувчилари бунёд этишди.

*Муносабат*

## САМАРАЛИ САФАРЛАР

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 14-17 январь кунлари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Чехия ва Словакия Республикаларида бўлди. Ғоят муваффақиятли ва самарали кечган ташриф чоғида республикамиз расмий делегацияси бу икки давлат билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳужжатларни имзоладилар.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилар экан, одатда, бу давлатларнинг асосан иқтисодий мавқеда баравар эканликлари мулоқотларда чамбарчас ришта вазифасини ўтайди. Шу маънода Ўзбекистон, Чехия ва Словакия давлатларининг ҳам иқтисодий ҳаётидаги ўхшашлик бу учала мамлакатнинг ўзаро ҳамкорликларини янада жипслаштиради. Айни пайтда ҳамкорликнинг янги чўққилари сари интилаётган уч мамлакат ҳам иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш палласида, ислоҳотлар палласида турган тақдирдош давлатлардир. Демак, бу давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг янада ривожланиши барча тарафлар учун фақат фойда келтириши, шубҳасиз.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Европа марказидаги бу икки давлатга расмий ташрифидан ва у ерда бўлиб ўтган турли мулоқотлар жараёнидан сўнг шу нарса маълум бўлдики, бу давлатларнинг кўпчилик аҳолиси юртимиз ҳақида саёз тасаввурга эга эканлар. Улар Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни иккинчи, учинчи манбалар орқали олар, биз ҳақимиздаги тасаввурлари одатда Москва матбуоти тарқатаётган хабарлар асосида шаклланар экан. Бизнингча, мамлакатимиз расмий делегацияси ташрифининг энг катта самараси ҳам шунда бўлди— кўплаб Чехия ва Словакия фуқаролари Ўзбекистонни ўзлари учун қайтадан кашф қилдилар. Хусусан, бу давлатларнинг ишбилармон доиралари вакиллари Ислом Каримов билан бўлган суҳбат чоғида, юртбошимизнинг юртимиз ҳақидаги маълумотларини чуқур ҳайрат билан тингладилар. Уларнинг қалбида Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш уйғонди, десак хато бўлмас.

Юқорида айтиб ўтилганидек, республикамиз расмий делегациясининг икки давлатга ташрифи давомида ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Айниқса, давлат бошлиқлари даражасида Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Словакия Республикаси ўртасида ўзаро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланганлиги давлатлараро ҳамкорликларимиз тарихида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида имзоланган қўшма баёнотда халқларимиз маданияти ва таълим соҳасига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, жумладан шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси янада чуқурроқ ўзаро тушунишга қаратилган саъй-ҳаракатларни қувватлайдилар ва маданиятнинг турлилиги, бир-бирини билишнинг ижобий омили бўлиб қолишига ҳаракат қиладилар. Шу мақсадда Чехия Республикаси 1997 йилда Ўзбекистон Республикасига олий ўқув юртларида ўқиш учун учта стипендия ва олий ўқув юртидан кейинги ўқиш учун иккита стипендия тақдим этади».

Бундан ташқари қўшма баёнотда икки давлат ўртасида чуқур иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан бир қаторда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳам ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш хусусида айтилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Словакия Республикаси ўртасида ўзаро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартномада ҳам, иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, сайёҳликни йўлга қўйиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик назарда тутилади.

Эндиликда ушбу шартномага кўра, «Томонлар маданият, фан, таълим, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ўзаро муносабатларни ривожлантирадилар». Шунингдек, «Томонлар фундаментал ва амалий фанлар, янги технологияларни ривожлантириш ва татбиқ этиш соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорлик учун қулай шарт-шароит яратишга интиладилар, олимлар, тадқиқотчилар, илмий тадқиқот институтларининг алоқалари ва биргаликдаги ташаббусларини рағбатлантирадилар».

Шартномада кўрсатилишича, «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 102-моддасига мувофиқ ушбу Шартнома БМТ Котибиятида қайд қилинади».

Бир сўз билан айтганда, юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз расмий делегациясининг Чехия ва Словакияга қилган ташрифи самарали ва сермазмун бўлди.

**И.Бўрибоев.**

**«Маърифат» шарҳловчиси.**



*1-Даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби*

***Уйчи туманидаги 6-ўрта мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Венера Мамутова яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ 1 даражали «Соғлом авлод» ордени билан тақдирланди. Муаллима ўзининг ютуқларида устозлари Качина Иванова, Галина Арсеневна, Муҳаммаджон Холматовларнинг ҳам ҳиссалари бор эканлигини таъкидлайди.***

***Шу кунларда изланувчан муаллима ҳамкасблари Клавдия Ходжиева, Фания Магадиева, Ҳабиба Бегишова, Мадина Шумиловалар билан ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ҳамда маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.***

**М. ҚОДИРОВ.**

**Суратда:** *муаллима В. Мамутова 3-«А» синф ўқувчиси В. Ҳотамовага якка тартибда навбатдаги сабоқни бермоқда.*

**Аҳмадали ЮСУПБОЕВ олган сурат.**

*Ислоҳот одимлари*

## «ШАРҚ ЗИЁКОРИ»

Тошкент шаҳрининг қоқ марказида жойлашган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни нуфузи кундан-кунга ошиб бораяпти. Бунинг боиси, у ерда сифатли маҳсулотлар чиқарилиши кафолатланганидир. Куни кеча концерн ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Концерн марказий биносининг ён томонида (Правда Востока кўчаси, 26-уйда) «Шарқ зиёкори» фирма дўкони фаолиятини бошлади.

Китоб дўконининг очилиш маросимида концерн Бош директори Ислом Шоғуломов сўзга чиқиб, йиғилганларни самимий табриклади. Бош директор зиё тарқатувчи масканнинг дунёга юз тутиш тарихи ва келажаги тўғрисида гапирди.

— Биз келажакда республикамиз вилоятларида, шаҳарларида «Шарқ зиёкори»нинг филиалларини очамиз, — деди у ишонч билан. — Бу шунчаки айтилаётган гаплар ёхуд фақат истаккина эмас, балки ҳақ гап. Бунинг учун кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етарли.

Халқимизга маънавий бойликни етказиб бериш — олий истакларимиздан бири. Авлодларимизнинг маънавий баркамоллиги йўлида биз ҳар қандай хизматга тайёрмиз ва бу ишда камарбаста бўлаётган, руҳий қувват бераётган республикамиз Президенти Ислом Каримовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Келгусида Оллоҳ насиб айласин, бунга ҳам биринчи қадамлар қўйилди, чет эл мамлакатлари, МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаб, китоб дўконимиз пештахталарини тўлдириб ташлаймиз.

Тантана иштирокчилари қатъий ишонч билан айтилган сўзларни олқишладилар, бирин-кетин ўз тилакларини изҳор қилдилар. Дўконнинг маърифий қудрати, унинг ҳақиқий зиё тарқатувчи маскан бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

Дўконнинг очилиш маросимида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари, китобсеварлар, рассомлар, олим ва таржимонлар иштирок этишди.

**Қ. МАТҚУРБОНОВ.**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

***• Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг навбатдаги сессиясида Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар муҳокама этилди.***

***• Наманган вилояти Норин туманидаги пахтани қайта ишлаш «Норинтола» ҳиссадорлик жамияти ўтган йили Англия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея ва Австрия давлатларига жами 1500 тонна — 91 миллион 518 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилди.***

***• Яқинда Москвадан чиқадиган «Труд» газетасида чоп этилган «Реалликми ёки сароб» деб номланган мақолада Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишлар хусусида гапирилиб, жумладан шундай дейилган: «...Ўзбек иқтисодиётининг ўсиш кўрсаткичлари Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки тахминларидан ҳам ошиб тушмоқда. Собиқ Иттифоқ республикаси Россиядан нефть ва газ олишдан воз кечиб, ўзини-ўзи электр қуввати билан таъминламоқда».***

***• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шу йилнинг 21 январидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмимизга нисбатан қийматини белгилади. 1 АҚШ доллари — 55 сўм 80 тийинга тенг бўлди.***

***• Россия Президенти Борис Ельциннинг яқин орада шифохонадан чиқиши унинг 29 январь кунига мўлжалланган МДҲ мамлакатлари бошлиқлари учрашувида иштирок этишига имконият туғдиради, деди Президентнинг матбуот котиби.***

***• Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Хеврон шаҳрининг аксарият қисмида Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан кейин Фаластин полицияси назоратни ўз қўлига олди.***

***• Иқтисодий қийинчилик даврини бошидан кечираётган Корея Халқ Демократик Республикаси ўзининг молиявий аҳволини ўнглаб олиш учун ўз ҳудудига Тайваннинг радиоактив чиқиндиларини кўмишга рухсат берди.***

*Иқтисодимиз муаммолари*

## КЕЛИНГ, ПУЛНИ ТЎҒРИ САРФ ҚИЛАЙЛИК!

«Ўзбек пул топса, уй қурар» деган гап бор. Пул топиш хусусида гап кетганда энг кўп қулоғимизга чалинадиган сўз шу бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам бу халқимизнинг азалий одати. Аммо бой, ўзига тўқ одамларимиз эътиборни тортадиган, ҳаддан ташқари ҳашаматли уйларни қурдириши бугунги кунда одат тусига кириб қолмоқда. Сўнгги йилларда ташқи чегараларнинг очиб қўйилиши катта миқдордаги маблағнинг «машиналар соҳаси» томонга оқишига сабаб бўлмоқда. Яъни бойларимиз ҳашаматли уйлардан ташқари, ҳашаматли, люкс машиналарга қизиқа бошлашди. Ёқилғи, эҳтиёт қисм, техник хизмат кўрсатиш муаммо эмас. Чунки пул бўлса муаммо ҳал.

Тижорат билан пул топиш азалдан халқимизга сингиб кетган нарса. Бугун бозорларни ёшу қари, ҳатто кичик ёшдаги болалардан иборат «савдогарлар армияси» эгаллаб олишган. Бу ёшда фарзандларининг роҳатини кўриб ўтириши керак бўлган қариялар, ёшгина болалар ҳам тижорат билан шуғулланишади. Кун кечириш учун писта олиб сотадиганларнинг сони ҳам оз эмас.

Яъни, пул бўлмаганда тижоратга ўзни уриш, чўнтак қаппайгач, пулдан сармоя сифатида фойдаланиш ўрнига «люкс ҳаёт» учун совуриш одатга айланиб қолган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери мустаҳкам иқтисодга эга бўлиш йўлида чет эл сармояларини Ўзбекистонга жалб қилиш учун ҳар бир давлат билан яқиндан алоқалар боғлашга ҳаракат қилинмоқда. Аммо ҳамкорлик учун мамлакатимизга келаётган чет эллик сармоядорларнинг асосий қисми тайёр маҳсулотни келтириб сотиш билангина шуғулланмоқда. Ўз сармояларини ишлаб чиқаришга жалб қилганларнинг сони эса жуда озчиликни ташкил қилади. Мамлакатнинг технолo-

(Давоми 2-бетда)

Муштарийлар учун Биринчи машғулот: А,Е, ҳарфларини ўрганамиз.

2 - бет

«Иқтисодий таълим беришнинг назарий асослари

3 - бет

«Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи» республика танлови.

4 - бет

### КОМЕТА ЕРГА УРИЛМАЙДИ

АҚШлик астрономлар очган Хейл-Бопп кометаси 23 март куни Ерга энг яқин масофада — 200 миллион километрдан ўтади. Қизиқувчилар Қутб юлдузидан ҳам ёрқинроқ кўринадиган кометани кузатишлари ҳам мумкин. Мутахассислар фикрича, 9 март куни комета сабабли Қуёш тутилиши ҳам юз беради.




### ТАҚДИР

АҚШнинг ҳайвонларни муҳофаза этиш ПЕТА ташкилоти раҳбари ИНГРИД НЬЮКИРК космосга учирилган маймун — Мультикнинг жасадини АҚШда дафн этишни сўради, лекин унинг «пухта ўйланмаган парвоз» ҳақидаги мулоҳазаларини Россия ва АҚШ космик агентликлари асоссиз деб топдилар.

### XXI АСР ИХТИРОСИ

*Россиялик Е. Подклетнов ҳамда финляндиялик Возориннинг кашфиёти — Ернинг тортиш кучини 20 фоизга, яъни нарсанинг оғирлигини 20 фоиз камайтирувчи асбоб жаҳон олимлари ичида катта шов-шув уйғотди. Бу ихтиро алхимикларнинг мисни олтинга айлантириш орзусининг амалга ошишига қиёсланди.*

### МИТТИ ВИДЕОКАМЕРА

Япония ҳамда швейцариялик олимлар ҳамкорликда энг кичик видеокамерани ясашга киришдилар. Улар бундай асбобни суварак ясашга жойлаштиришни мақсад қилиб қўйганлар. Таракан зилзила қидирув ишларида хизмат қилиши керак.

### ИСБОТ ТАСДИҒИ

АҚШлик тилшунос олим МЕРИТ РУЛЕН тадқиқотларида одамзот бундан 50 минг йил олдин ягона тилда гаплашганлигини исботлаб берди. Генетик тадқиқотлар ҳам барча ирқлар 100-150 минг йил аввал яшаган битта аждод вакиллари эканлигини тасдиқлади.

## ҚЎЛИ ГУЛ ШОГИРДЛАР

Доно халқимиз тилида «Шогирд устоздан ўзар» деган бир гап бор. Биз Ғузор туманида жойлашган 29-сон умумий ҳунар-техника билим юртига ташриф буюрганимизда юқоридаги ибратли нақл бежиз айтилмаганига иқрор бўлдик. Қаранг, болалар қанчалар ижодкор, яратувчан. Бичиш-тикиш тўгарагининг қўли гул чеварлари яратган зар дўппиларию дилбар камзуллари, ораста тикилган кўйлакларию Ватанимиз рамзлари туширилган ажиб бир дарпардаларини кўрган киши беихтиёр ана шулардан харид қилиш тараддудига тушиб қолади.

Билим юртининг дурадгорлик ва чилангарлик тўгаракларида ёш усталар томонидан ясалган асбоб-ускуналар ҳам чевар қизлар яратган янгиликлардан сира-сира қолишмайди.

Шогирдлар ясаган турли-туман маҳсулотлар Ғузор бозорида пешма-пеш сотиб келинмоқда. Айни кунларда ёш ҳунармандлар устозлар раҳбарлигида туман марказида билим юрти савдо растасини ташкил этиш учун бири-биридан кўркам маҳсулотлар тайёрламоқдалар. Дарвоқе, улар ҳозиргача тайёрлаб қўйган маҳсулотларини ўттиз минг сўмга яқин нархда чўтладилар.

**А. ОБИДДИНОВ.**

*Таклиф ва мулоҳазалар*

## ТАРБИЯ — КЎП ҚИРРАЛИ, МУРАККАБ ЖАРАЁН

Ҳозир мактабларда юзлаб ўз касбининг жонкуярлари самарали меҳнат қилмоқдалар. Лекин мактаб раҳбарларининг гувоҳлигича, бугун ҳар бир мактабда унинг юкини астойдил тортаётган педагоглар кўп эмас. Уртамиёна ўқитувчи эса кўпайиб бораяпти. Келинг, бу ҳолатнинг сабаблари ҳақида биргалашиб мулоҳаза қилайлик.

Биз таълим олган кезларда педагогларнинг кўпчилиги туғма истеъдодли, ўз эътиқоди, қалби, ҳаётий мақсади жиҳатидан романтик табиатли, касбга содиқ, фидойи мутахассислар эдилар. Ўша вақтда ҳам ўқитувчининг ойлик маоши кўп эмасди, турмуши ўрта ҳол эди. Лекин улар учун қалб амри, заҳматли меҳнатидан келадиган маънавий қувонч аъло ҳисобланган. Биз, 50-60 йиллар талабалари устозларимиз жуда камтар яшаган, камтар кийинганини яхши эслаймиз. Адабиёт ўқитувчимиз урушдан 10 йил сўнг ҳам дарсга фронтдан кийиб келган ҳарбий гимнастеркада келарди. Лекин у кишининг маърузасини ёзишга ҳам вақтни қизғаниб, бутун вужудимиз билан тинглардик. Табиёт ўқитувчимиз ҳазил-мутойиба, қизиқчилик билан мавзуни миямизга қуйиб қўярди. Улар ўзларига ўта талабчан эдилар, ўқувчи ёмон баҳо олса, буни, аввало, ўз ишининг нуқсони деб қарардилар.

Хўш, бу устозларнинг педагоглик шуҳрати сирлари нимада? Бу энг аввало, уларнинг педагоглик касбига туғма истеъдодидир. Урушгача ва урушдан сўнгги йилларда педагогика ўқув юртларида, асосан, шу касбга туғма истеъдоди бор ёшлар ўқиганлар. Бугун негадир фақат санъат соҳасида туғма истеъдод тан олинади, ҳар қандай киши педагог бўлаверади, деб тушунилади. Бизнингча, йигит ёки қиз институтга тест билан имтиҳон топшириб, уни «4» ва «5» баҳоларга битирса ҳам, унга шу касбга туғма истеъдод бўлмаса, ундан чин маънодаги педагог чиқмайди.

Устозларимизнинг иккинчи сири — касбга эътиқод, садоқат ва фидойилигидир. Улар ўзи, оиласи манфаатини, бойлик тўплашни эмас, балки ёшларнинг келажагини, эл-юрт тақдирини ўйлаганлар. Ҳамшаҳримиз марҳум устоз педагог Ю. Усмонов ҳақида эл оғзида шундай ривоят бор. Оғир уруш йиллари: очарчилик, қимматчилик, ўқитувчининг ойлик маошига ярим пуд ғалла беради, холос. Домланинг қатор ҳамкасблари ўқитувчиликни ташлаб кетишган. Домла — серфарзанд. У киши ёғоч ковушда дарсга борарканлар, баҳор келса эрта саҳарлаб шаҳар атрофидаги қишлоқлардан тут териб келиб фарзандларига едириб, сўнг мактабга кетар эканлар. Бу тоифа педагоглар кўп бўлган.

Турмушда одамлар билан,

(Давоми 2-бетда)

### МММ ХАБАРЛАРИ

#### ЮРТИМИЗ МАШИНАЛАРИ

Чироқчи тумани марказида жойлашган 30-сон умумий ҳунар-техника билим юрти талабаларининг катта қисми ҳайдовчилик касбини эгалладилар. Билим юртини битирган деярли барча талабалар енгил автомобилларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган «В» кўрсаткичли автомобиль бошқариш гувоҳномасини оладилар. Яқинда мазкур билим юртида «юртимиз машиналари» деб номланган анъанавий тематик йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда билим юрти директори У. Абдураҳмонов талабаларга ёш мамлакатимизнинг автомобиль саноати соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари хусусида гапириб берди.

#### ҚИЗЛАР БАҲС ҚИЛИШДИ

Ғиждувон туманидаги 2-ўрта мактабда юқори синфлар ўқувчи қизлари билан «Қиз боланинг маънавий сифатлари» мавзусида мунозара бўлиб ўтди. Баҳс даврасини мактаб директори О. Раҳмонова бошлаб берди. Қиз боланинг маънавий сифатларини ташкил қилувчи асосий тушунчалар — ҳаё, одоб, ахлоқ, хушмуомалалик, саранжом-саришталик эканлиги ва қизларимизда айнан шундай маънавий баркамол сифатларни тарбиялаш лозимлиги шарқона мисоллар асосида айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, мунозара давраси мазмун-моҳияти ва ўзгача шукуҳи билан барчада катта таассурот қолдирди.

#### УСТОЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Бу йил Конимех туманида биринчи марта ўқитувчиларнинг фан олимпиадалари ўтказилди. Физика, математика, химия, биология, тарих каби фанлардан ўқитувчилар ўз билимларини синаб кўрдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, тумандаги 1-ўрта мактабнинг тарих ўқитувчиси Д. Абдураҳимова, 2-мактабнинг математика ўқитувчиси И. Бобоқулов, 7-ўрта мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси С. Жабборовалар ўз соҳалари бўйича ғолиб деб топилди.

**МУАЛЛИФЛАР:** А. ОБИДДИНОВ, Д. ЖАББОР, М. АЗИЗОВА.

МММ ХАБАРЛАРИ

# ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

*Серқуёш Ўзбекистонимиз бўйлаб истиқлолимизнинг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Давлат рамзларининг билимдонлари» деб номланган кўрик-танловда умумтаълим мактаблари, ҳунар билим юртлари, мактабгача ва мактаблан ташқари муассасаларнинг барча ўқувчи ёшлари, тарбияланувчилари иштирок этдилар. Уларни баҳолашда мавзунинг долзарблиги, таъсирчанлиги, мавзуни яхши билиш маҳорати, бадиийлиги ҳамда ижодий ёндашувга катта аҳамият бердилар.*

*Кўрик-танловнинг биринчи босқичи синфлар, курслар ва гуруҳлараро 20 сентябргача бўлиб ўтди. Иккинчи — туман босқичи эса 5 октябргача, сўнгги учинчи — вилоят босқичи эса 20 октябргача ўтказилди. Юқоридаги шартларнинг қандай бажарилганлигига қараб нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан қуйидагича баҳоланди.*

*Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 10-гимназиянинг «Зукко» гуруҳи, Бухоро вилояти 1-болалар ижодиёти марказидаги зардўзлик тўгараги аъзоси, 34-ўрта мактабнинг 5-«А» синф ўқувчиси Феруза Асадова, Нукус шаҳридаги 18-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Г. Султонова, Жиззах шаҳридаги 1-лицейнинг 11-синф ўқувчиси Муҳиддин Эшматов (олий), Навоий туманидаги 15-ўрта мактабнинг 43 кишидан иборат жамоаси, Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги 1-гимназия мактабнинг 11-синф ўқувчиси Нигора Мирзаалиева, Яккабоғ туманидаги 18-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Фотима Исматова, Самарқанд вилояти Боғишамол туманидаги 9-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Чарос Юнусова, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 27-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шодавлат Бўриев, Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 25-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Зебо Жўраева, Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек, Сирғали, Юнусобод тумани ўқувчилари, Хоразм вилояти Шовот туманидаги 4-ўрта мактабнинг «Хор» жамоаси фахрли 1-ўринларни қўлга киритдилар.*

*Шунингдек, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ҳам кўрик-танлов ўтказилди. Унда истеъдодли ўқувчилар фаол иштирок этиб, ўзларининг рамзлар ҳақида нечоғлик билимга эга эканликларини намойиш этишди.*

*Кўрик-танловнинг барча босқичи ғолиблари умумтаълим мактаблари, ХТБЮ, мактабдан ташқари муассаса директорлари, мактабгача тарбия муассасалар мудирлари, халқ таълими бўлимлари ҳамда бошқармалари, уларнинг касаба уюшмалари, шунингдек «Камолот» жамғармаси ва барча ҳомийларнинг фахрий ёрлиғи, эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, кўрик-танлов ҳақида Ўзбекистон телевидениесида кўрсатувлар тайёрланиб, «Маърифат», «Учитель Узбекистана», «Тонг юлдузи» газеталари саҳифаларида мақолалар бериб борилди.*

*— «Давлат рамзлари билимдонлари» кўрик-танловини ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад шуки, ўқувчи ёшларимизнинг давлатимиз байроғи, герби, мадҳияси, ҳар биримизнинг қалбимизда ватанпарварлик руҳига бир муқаддима бўлиб қолишини таъминлашдан иборатдир, — дейди республика Халқ таълими вазирлиги Маънавият ва қўшимча таълим бошқармасининг етакчи мутахассиси Шоира Нуриддинова биз билан суҳбатда.*

**Мухбиримиз.**

# КЕЛИНГ, ПУЛНИ ТЎҒРИ САРФ ҚИЛАЙЛИК!

**(Боши 1-бетда)**

гик ва индустриал тамалини янгилаш ва ривожлантиришга йўналтирилган сармояларнинг сони эса, афсуски, бармоқ билан санарли даражададир.

Чет элдан жалб этилган сармоялар ҳар доим ҳам «ҳуркак» бўлади. Шунинг учун ҳам юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил касодлардан сақланиш мақсадида тайёр маҳсулот тижоратга томон оқиши табиий бир ҳолатдир. Кейинги бир неча йил ичида Ўзбекистондаги иқтисодий шароитнинг барқарорлашиши ва ривожланиши кучайган сайин чет эл сармояларининг янада ишончли ва катта ҳажмда кириб келиши таъминланади. Аммо четдан келган сармояларнинг келадиган фойдани ташқарига олиб чиқиб кетишини эътиборга олиб, маҳаллий сармоянинг ҳар доим ҳам ишончли ва фойдали эканлигини унутмаслигимиз керак. Бўш жойларга совурилаётган маҳаллий маблағларнинг сармоя сифатида ишлаб чиқаришга жалб қилиниши мамлакатимиз иқтисодига жуда катта фойда келтирган бўларди.

Шу ўринда чет эл сармояларининг ҳам ўрни ҳақида тўхталсак. Чет эл сармоялари мамлакатта ривожланган замонавий технология ва ахборот оқимининг кириб келишида салмоқли роль ўйнайди. Аммо мамлакатдаги ички маблағларнинг «люкс ҳаёт» истеъмолига йўналиши, халқ хўжалигига фойда келтирмайдиган соҳаларга сарфланишининг олдини олиш тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбирлар бўйича ҳозир мамлакатимизда ҳуқуқий ва сиёсий асос мавжуд. Аммо кишиларни ташаббускорликка, маблағларни сармоя сифатида жалб қилишга ташвиқ қилиш анчагина вақтни олиши мумкин.

Бойларимизнинг ҳашаматли уйларда яшашларига, сўнгги марка люкс машиналарда юришларига эътирозимиз йўқ. Аммо сейфларда чанг босиб ётган маблағларнинг на уларга, на мамлакатта фойдаси йўқ эканлиги ҳаммага маълум. 100 фоиз маҳаллий сармоялар ҳисобига барпо этиладиган хусусий заводлар, фабрикаларни қуриш фақаттина маҳаллий маблағларнинг сармоя сифатида жалб қилиниши билангина мумкиндир. Ҳар бир янги қурилиш давлатимизнинг ўз имкониятлари ва халқимиз орасидаги сармоядорларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилиб, мамлакат иқтисодининг ривожланишига ҳиссалари қўшилишини умид қиламиз.

**Ҳамза Ҳункар ЖЕНГИЗ.**

***Абдухалил Орипов болалигидан гўзалликка, гулга ихлос қўйди. Чиройли гулларни рангтасвир орқали қоғозга тушириб ҳам кўрди. Катта бўлгач, ошпазлик касбини танлади, Мирзо Улуғбек туманидаги «Камоли-Шуҳрат» мактаб таом жамоасига ишга қабул қилинди. Бироқ болаликдаги ҳаваси унга тинчлик бермади. Энди у қоғоздаги тасвирларни печенье, торт каби ширинликлар юзига кўчира бошлади. Хуллас, А. Ориповнинг орзуси ушалди.***

**Суратда:** ***моҳир ошпаз А. Орипов шу тумандаги 112-мактаб ўқувчиларига ширинликлар улашяпти.***

**Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.**



*Акс садо*

# АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

«МАЪРИФАТ», 14 ДЕКАБРЬ 1996 ЙИЛ.

Суннатулла Ризаевнинг «ЭР»ми «РЕ»ми? мақоласи жуда муҳимлиги билан диққатимизни жалб этди. Чунки «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» (1995)ни сотиб олганимда ичига битта жадвални қўшиб сотяпти. Янги ўзбек алифбоси жадвали. Жадвалдаги ҳарфларнинг номи айнан рус тилидагининг ўзгинаси! Ажабо, Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгандан кейин ҳам русча атамаларга кўркўрона эргашиши ўринлимикин?!?

Муаллиф таъкидлаганидек, машғулот навбати «р» товушига келганда, шу товушнинг ёзувдаги ифодаси бўлган ҳарфнинг номи «эр» бўладими?! Бу соф лексемаку! Луғавий бирлик— бутунлик-ку!. Худди шунингдек, «эс»ни «с», «эл»ни «л», «эн»ни «н», «эф»ни «ф» деб номлаш ҳақиқатта мосдир.

Имкониятдан фойдаланиб, янги алифбо ва имло таълимига доир янги чоп этилган ўқув қўлланмалари, методик тавсиялар, кўргазмали қуроллар ҳақида ҳам хабарлар нашр этиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидламоқчи эдим.

**Несиббой АВАЗБОЕВ, Чимкент шаҳридаги Аҳмад Яссавий номли Халқаро Қозоқ-Турк университетининг профессори, филология фанлари доктори.**

# ТАРБИЯ — КЎП ҚИРРАЛИ, МУРАККАБ ЖАРАЁН

**(Боши 1-бетда)**

жумладан, ўқувчилар билан муносабатда камтаринлик, ҳокисорлик, хушмуомалалик, устозларимизнинг яна бир фазилати эди. Улар ҳамма ўқувчиларга «сиз»лаб мурожаат қилардилар. Раҳматлик устоз Муродов домланинг биз — талабаларга бирон марта қовоғини уйиб, жиддий гапирганини билмаймиз. У киши доимо кулиб туриб гапирар, ҳатто дарсни билмасангиз ҳам яхши гапириб «ёмон» баҳо қўярдилар.

Бугунги мактабларнинг моддий шароити 50-60 йилларга нисбатан беқиёс қулай, ўқитувчининг ойлик маоши ҳам аввалгидан юқори бўлгани ҳолда аксарият педагоглар ўқувчиларда илм-фан, касбларга қизиқиш уйғотолмаяпти. Бугунги талабаларнинг айримларида педагоглик касбига иштиёқ ҳам, истак-хоҳиш ҳам сезилмайди. Буни уларнинг ўзлари ҳам яшираётгани йўқ: «Домла, жонни куйдираверманг, биз барибир мактабда ишламаймиз», деб юпатиб ҳам қўйишаяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, пединститутни битириб, бу касбга мутлақо алоқаси йўқ, лекин маоши кўп соҳада ишлаётганларнинг дипломини бекор қилиш, 5 йил давомида давлат сарфлаган харажатни ундириб олиш педагогика ўқув юртига тасодифий кишилар кириб қолишининг олдини олган бўларди.

Ҳаммага маълум, лекин, ҳамма кўникиб қолган яна бир сабабни айтиб ўтиш жоиздир. Бу мактабларда эркак ўқитувчиларнинг кескин камайиб бораётганидир. Аёл ўқитувчи ўз касбига қанчалик содиқ бўлмасин, табиий ва бошқа сабабларга кўра (декрет таътиллари, касалликлар ва ҳоказо) ўқув жараёнида кўп узилишларга сабаб бўладилар. Чунончи, бугун шундай ҳолатни тез-тез учратамиз: ҳозирги ўқувчи, кўпинча, бошланғич таълимни 2-3 ўқитувчида ўтаяпти, юқори синфларда эса кўпгина дарслар бўш қолаяпти. Тажриба ва кузатувлар шуни кўрсатадики, эркак ўқитувчилар кам бўлган мактабларда интизом, тарбия ҳам сусайиб кетаяпти. Буни муаллималарнинг ўзлари ҳам очиқ-ойдин тан олмоқдалар.

Хуллас, бизнинг назаримизда, бугун мактабларда педагоглар сифати, уларнинг шу касбга истеъдоди ва лаёқати, муносабати бош масала бўлиб турибди.

Жумҳуриятимизнинг мустақил тараққиёт йўлига ўтиши, замонавий фан-техника, саноат ва қишлоқ хўжалигини, демократик давлатчиликни яратиш эҳтиёжлари маорифни янада чуқур ислоҳ қилишни кун тартибига қўйяпти. Бизнингча, бу ишни педагоглар сифатини тубдан яхшилашдан бошламоқ керак.

Шу муносабат билан айрим мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларига, жумладан, мактабга чуқур кириб бораяпти. Бу — объектив қонуният. Лекин, бугун бозор иқтисодиётининг айрим жиҳатлари мактаб-маорифга нисбатан салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан 10-15 йил аввал ўқитувчи ўз томорқасидан чиққан маҳсулотларни сотишга ҳам ийманарди. Бугун эса ўқитувчининг бозорга чиқиши уёқда турсин, мактабларнинг даҳлизлари, ўқитувчилар хонаси ўзига хос бозорча бўлиб қолаяпти. Савдогар-педагог бўлиши мумкинми? Ўқитувчиликнинг 1 ойлик маошини бир кунда топадиган савдогар-педагогнинг ўз касби ҳақида ўйлашига вақти бўлармикан?

Албатта, масаланинг иккинчи томони ҳам бор:

Ҳозирги сакраб бораётган нарх-наво шароитида жумҳурият раҳбарияти ўқитувчилар маошини кетма-кет ошириб бораётган бўлса ҳам, у завод ва фабрика ишчилари, ходимлари маошидан кам. Давлатимиз хазинаси чексиз эмаслигини яхши биламиз. Бизнингча, корхоналар, ташкилотлар, ота-оналар ҳисобидан маорифни қувватлаш жамоат фонди ташкил этилса ва ундан ўқитувчиларга меҳнатига қараб моддий ёрдамлар, мукофотлар бериб турилса, кўп савоб иш бўлар эди.

Буюк аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб бундан қарийб минг йил аввал устозлар ҳақида шундай ёзган эканлар:

***Булар ҳаққин тийма, бер совға инъом,***
***Олимлар зориқса, эмас яхши ном.***
***Диллари тинч бўлиб, билим берсалар,***
***Билимсизлар ундан нафлар кўрсалар.***

Педагоглик — касблар ичида энг кўп руҳий куч талаб қиладиган меҳнатдир. Шу сабабдан ва ижтимоий аҳамияти жиҳатидан у энг юқори тақдирланадиган меҳнатдир.

Маълумки, педагогик кадрларни танлаш, тайёрлаш ўқитувчилар сифатини кўтаришнинг боши ва асосидир. Бу иш педагогика ўқув юртларида шу касбга туғма истеъдоди, иштиёқи бор ёшларни жамлашга қаратилган бўлмоғи лозим. Жумладан, педагогика ўқув юртларига кириш имтиҳонлари 2 босқичда ўтказилса: 1-педагогик-психологик босқич. Бунда махсус тест орқали абитуриентнинг шахсий хусусиятлари, педагоглик касбига лаёқати аниқланади. Ана шу босқичда етарли баллга эришганлар II босқич имтиҳонларига қўйилади. Иккинчи босқичда айни ихтисос учун белгиловчи бир ёки икки фандан тест синовлари ўтказилади ва ҳар икки босқич натижаларига кўра танлов ўтказилади.

Педагогика ўқув юртларида педагогик амалиётнинг мавқеини кўтариш ҳам давр талабидир. Педагогик амалиёт натижалари айни касбга тайёрлашда ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Шу нуқтаи назардан битирувчи курсларда давлат имтиҳони ҳозиргидек педагогика назариясидан эмас (бу фандан жорий имтиҳонлар бор) педагогика амалиётидан ўтказилмоғи, ҳеч бўлмаганда, педагогик амалиёт педагогикадан давлат имтиҳони саволларига киритилиши лозим. Бу тадбир талабаларда 1 курсданоқ педагогик-психологик туркум фанларга, ихтисос фанларга, педагогик амалиётта, умуман, педагоглик касбига муносабатни тубдан яхшилаган бўларди.

Назаримизда, жамоатчилик, ота-оналар ҳам халқимизнинг «Устоз отангдан улуғ» дейилган ҳикматини унутиб қўяётган кўринади. Ҳозирги катта авлод фарзандлари тарбиясида ўқитувчига, мактабга ишонганини фарзандининг ўқитувчисини ўз устозидек ҳурмат қилганини яхши эслаймиз. Бугун ўқитувчи ўқувчидан ўқишни, интизомни қаттиқроқ талаб қилса, унга танбеҳ берса, ота-онаси ўқитувчини қувватлаш ўрнига, мактабга келиб, болалар олдида ўқитувчини, синф раҳбарини таҳқирлаши, баъзан эса ҳақорат қилиши, ўқитувчи дарсга келмаган ўқувчининг уйига борса, унга ота-онаси қўпол муомалада бўлиши одат тусига кириб қолаяпти. Бу ҳол, хусусан, ёш ўқитувчиларни шу касбдан бездираяпти. Ўқитувчиларни ана шундай ноҳақ ҳақоратлардан расмий ҳимоя қилиш ҳам зарур бўлиб қолаяпти.

Биз ўзимиз жонли гувоҳмиз: илгари жамоа хўжалиги ёки қишлоқ кенгаши раиси мактаб олдидан ўтса, отдан ёки машинадан тушиб, ўқувчилардан ҳол-аҳвол сўраб ўтиб кетар эди. «6 миллионли пахта учун кураш» даврида ўқитувчилар ҳам «пахта қули»га айланди. Бугун ҳам ўқитувчини назар-писанд қилмаслик, унга эътиборсизлик муносабатига барҳам берилганича йўқ. Хўжалик раислари, кўпинча, ҳосилни йиғиш вақтидагина мактабни, ўқитувчиларни эслашади.

Очиғи, кейинги йилларда Президентимиз Ислом Каримовнинг маорифчиларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, эътибори ўрта бўғин раҳбарлари учун дастуриламал вазифасини ўтамоғи лозим ва шарт. Ана шундагина ўқитувчига муносабат сўзда эмас, амалда тикланади, алалхусус, таълим-тарбияда кўзланган мақсадга тўла эришилади.

**Ў. ТОШТЕМИРОВ, Қўқон давлат педагогика институти профессори, халқ маорифи аълочиси.**
**П. КАМОЛОВ, Данғара туманидаги 85-махсус мактаб-интернат директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.**

*Олий ўқув юртларида*

# ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

Истиқлол шарофати билан жамиятнинг барча жабҳаларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Албатта таълим тизимидаги янгиланиш ҳам ана шуларнинг бир бўлагидир. Айниқса, олий таълим тизимида талабаларнинг икки босқичда (бакалавр ва магистр) ўқитиш йўлга қўйилгани бунга яққол мисол бўла олади. Маълумки, аввалари талабанинг билими фақатгина имтиҳон йўли билан аниқланарди. Бу усул эса йигит ва қизларнинг билимини ҳаққоний баҳолаш имконини бермасди. Шу сабаб олий таълим тизимида яна бир янгилик, яъни талабанинг билимини рейтинг ва тест усули орқали аниқлаштириш йўлга қўйилди. Мана орадан саноқли йиллар ўтди. Бу давр мобайнида баҳолашнинг ушбу янги усуллари ҳақида матбуот саҳифаларида, радио ва телевидениеда бир неча чиқишлар бўлди. Унинг қулайликлари ҳақида кўп бор гапирилди. Деярли барча олийгоҳларда талабаларга тушунтириш ишлари олиб борилди. Шу сабаб биз ана шундай ўқув юртларидан бири бўлмиш Тошкент қурилиш архитектура институти иқтисод факультетига ташриф буюрдик. Хўш, рейтингнинг қандай афзаллик томонлари бор? Ушбу ўқув юртида таҳсил олаётган талабалар шу кунларда рейтинг ҳақида нималарни билишади? Шу каби ўзимизни қизиқтирган саволлар билан талабаларга мурожаат қилдик. Энг асосийси эса шу кунларда қишки сессиялар яқинлашмоқда. Йигит ва қизлар ўз рейтинг балларини билишадими?

**Д. Жумабоев, иқтисод факультети 2-курс талабаси:**

*— Рейтинг усули менга жуда маъқул бўлди. Чунки бу бизни ўз устимизда кўп ишлашга мажбур этади. Ҳар бир фанни ва ҳар бир мавзуни тўла ўзлаштирмай туриб рейтинг балл ололмаймиз. Бу усул амалга тадбиқ қилингандан буён бизнинг факультетимизда ҳам тушунтириш ишлари ўтказиб келинади.*

**Т. Жўраев, талаба:**

*— Бу усул ҳақида барча курсдошларим қатори мен ҳам маълумотта эгаман. Чунки деканат томонидан ҳар ойда 2—3 бора тушунтириш ишлари олиб борилади. Шундай бўлгандан кейин ўз рейтинг балимни ҳам биламан. Ҳар бир фан муаллими ҳафта давомида балларимизни эълон қилиб боради.*

*Факультетта кирганимизда бунга ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлдик. Нафақат рейтинг усули ҳақида балки талабалар билиши зарур бўлган турли хил маълумотлар жойланган деворий, бурчак ташкил қилинган экан. Факультетда амалга оширилган бу каби ижобий ўзгаришларни кўриб киши дилдан қувонади.*

*Дарҳақиқат, ўтган қисқа даврда шунчалик яхши натижаларга эришиш, кишида эртанги кунга ишонч туйғуларини уйғотади.*

**Х. АБДУРАҲМОН.**

*Лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувини ўрганамиз*

# МАШҒУЛОТЛАР СИЗЛАР УЧУН!

***Лотин алифбосини ўрганишнинг дастлабки босқичи бошланди. Қийинчиликлар учрамоқда, баҳс-мунозаралар ҳам йўқ эмас. Ҳали бу ёзувга кўзимиз кўникиш ҳосил қилгунча, батамом ўз имломиз бўлиб қолгунга қадар барига чидашимизга тўғри келади.***

***Лотин алифбоси таркибида вужудга келаётган ўзбекча имлони мукаммал, бехато, талабга мувофиқ ўзлаштириш саводхонлигимиз белгиси ва омилидир.***

***Таҳририятимиз бу мавзуга ҳамиша ўз эътиборини қаратиб келяпти. Юқоридаги рукн биз учун доимийдир. Шу вақтга қадар бу рукн остида бир қанча мақолалар босилди. Газетамиз ўз савоб ишини бундан кейин ҳам давом эттиради. Бугундан эътиборан, газетамизда СамДУ профессори Назар Ражабовнинг 17та машғулотдан иборат сабоқларини ҳукмингизга ҳавола этамиз.***

***Машғулотларда ҳарфларнинг босма ва ёзма шакллари, талаффузи сўзларда иштирок этиши мисоллар ёрдамида кўрсатиб, изоҳлаб берилган.***

***Мустақил ўрганувчилар учун берилган вазифалар ҳам пишиқ-пухта тайёрланган.***

***Ўйлаймизки, машғулотлар биринчи галда тил-адабиёт ва бошланғич таълим ўқитувчилари, қолаверса, барча-барча ҳамкасбларимиз учун нафи тегади.***

## БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ

А а — лотинча босма шакли. Бу ҳарф кирилчадагидан фарқ қилмайди. Демак, лотинча ва кирилчада ушбу ҳарфнинг ёзма ва босма кўринишлари бир хилдир. А а ҳарфининг талаффузи ҳам ўз ҳолича айтилади.

А а ҳарфи ёзув жадвалидаги тартибига кўра, алифбонинг биринчи ҳарфи ҳисобланади. Кириллчада ҳам худди шундай.

Энди, А а ҳарфи иштирок этган сўзлар ёзишга ўтамиз. Мисоллар: Ahmad — Аҳмад, alifbo — алифбо,

asal — асал, alanga — аланга, aloqa — алоқа, a'zo — аъзо, anor — анор, bahor — баҳор, bola — бола, asramoq — асрамоқ.

А а ҳарфи иштирок этган сўзлар орқали таркиб топган содда гапларни ифодалашга ўтамиз:

Ana, Akmal akam — Ана, Акмал акам. Asal hamma narsadan shirin — Асал ҳамма нарсадан ширин. Anor nishona berdi — Анор нишона берди. Bolani asra — болани асра. Arava bor — Арава бор. Navbat keldi — Навбат келди, Akram kelib turadi — Акрам келиб туради.

Вазифа: ушбу ҳарфнинг катта-кичик шаклларини лотинча ва кириллча уч-тўрт марта кўчириб ёзинг. Сўнгра, сўзларни ва гапларни ҳам кўчириб ёзишни унутманг. Чунки кўчириб ёзиш йўли билан кўз ва қўл одатланади, малака ҳосил қилинади. Бу ҳаёт тажрибасидан ўтган тарихий ҳақиқатдир. Машҳур аждодларимиз нафақат дастлабки мактаб машқлари даврида, балки ўзларининг катта-кичик асарларини яратишда, унинг бир қанча нусхаларини қайта-қайта ёзиб чиққанлар. Чунки халқ ҳикматида «Мулла бўлсанг, такрор қил» деб бекор айтилмаган!

Демак, лотин ёзуви ҳарфларини ўрганишда ҳам машқ ва яна машқ қилиш тажрибада синаб кўрилган усулдир.

Е е — лотинча босма шакли. Кирилл ёзувида бу ҳарфнинг босма шакли Э э. Алифбо тартибида лотинчада тўртинчи ҳарф ҳисобаланади. Кирилл ёзувида Э э белгиси билан ифода этилиб, йигирма тўққизинчи ўринда жойлашган. Шаклларининг бошқа-бошқа бўлишига қарамасдан, талаффузи бир хилдир.

Энди, Е е ҳарфи иштироқ этган сўзлар ёзишга ўтамиз:

es — эс, Erkin — Эркин, elak — элак, ekin — экин, echki — эчки, kel — кел, kech — кеч, behi — беҳи, e'lon — эълон, me'yor — меъёр.

Е е ҳарфи иштирок этган сўзлар орқали таркиб топган содда гапларни ифодалашга ўтамиз:

Elakka borganning ellik og'iz gapi bor —Элакка борганнинг эллик оғиз гапи бор. Til xudo bergan ne'mat hisoblanadi — тил худо берган неъмат ҳисобланади. Erkin kechikib keldi — Эркин кечикиб келди.

Вазифа: Е е ҳарфининг якка ҳолда сўз ичида ва сўзлар орқали гап таркибида қўлланилишига бир нечта мисол ёзинг. Ёзилган намуналарда Е е шаклининг қўлланилиш ҳолатларига эътибор қилинг.

**(Давоми бор).**

# ОТА-ОНАЛАР ЙИҒИЛИШИ

Шаҳрисабз туманидаги Собир Абдулла номидаги 78-таянч мактабда ота-оналар қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда мактаб ота-оналар қўмитасининг раис ўринбосари А. Аминов ота-оналар қўмитасининг бир йиллик фаолияти тўғрисида гапирди. Сўнг мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Азим Хўжаев «Таълим-тарбия ишида мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги» мавзусида маъруза қилди.

Йиғилишда мактаб ўқитувчилари, шунингдек Улуғбек номидаги жамоа хўжалик бошқаруви раис ўринбосари, хўжалик хотин-қизлар раисаси Назира Худойқулова, Шакартери қишлоқ бошлиғи Халил Пардаевлар сўзга чиқиб, асосий эътиборни болалар тарбиясига қаратиш, уларнинг илмли бўлиши учун оилада, жамоат жойларида қаттиқ назорат қилишни кучайтиришга қаратдилар.

Йиғилишда мактаб ота-оналар қўмитасининг раиси қилиб қишлоқ бригадири Халил Пардаев сайланди.

**Аҳад МУҚИМОВ.**

# БОЛАЛАР БОҒИ

Матлуба опа Абдураҳмонова мудиралик қилаётган пойтахтимиздаги 490-болалар боғчасига бориб кўнглим тоғдек кўтарилди.

Гапнинг очиғи, болалар ҳузурига кўп бораман. Учрашувга тил учида таклиф қилишса ҳам кетавераман. Бу беғубор олам аҳли ила давра суҳбати ҳам ўтказганман. Болалардан шунақанги ақлли гаплар чиқадики!

— Дада, туфлини тикканларнинг боласи йўқми?

— Бор. Нега ундай дейсан?

— Боғичини ўтказишнинг қийинлигини кўринг. Белим оғриб кетди. Агар боласи бўлса сал осонроқ қиларди-да!

Қарангки, шу ёшга кириб бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман.

— Болалар илк тарбияни шу ерда олади, — дейди Матлуба опа. — Тарбиячига кўп нарса боғлиқ. Инкор этмайман. Бугун ишга келаётган ёшларнинг юраги тор. Гоҳо болаларни уришиб турганларининг устидан чиқаман. Билмасликка оламан. Лекин кейинги фикру зикрим ўша тарбиячининг муомаласини ўзгартиришда бўлади. Бешта олий тоифали ўқитувчимиз бор. Қолганлари ўрта махсус билим юртларини тугатган. Лекин бундан қатъи назар, туғма тарбиячилар бўлади. Бундайлар қўлимга келиб қолса, боғчада олиб қолишга ҳаракат қиламан.

Катта тайёрлов гуруҳларини кўрдим. Лотин ҳарфларини бир чиройли қилиб ёзибдиларки! Болаларнинг инглиз тилида гапиришларини эшитиб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Афсуски, уларга савол бера олмадим. Сабабки, ўзим инглиз тилини билмасдим.

Боғчанинг шинамлиги ҳам ҳавас қилгулик. Бунда, албатта, тарбияланувчиларнинг ота-оналари катта ёрдам берган.

— Опа — тажрибали мудира, — деди ўғлини олиб кетишга келган Марғуба исмли аёл. — Мен Рустамни икки ёшга етмасдан боғчага берганман. Ҳозир мендан аввал боғчага шайланиб туради.

Албатта, Матлуба опа 23 йиллик тажрибага эга. Болалар билан ишлаётганларига эса кейинги йили 30 йил бўлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Боғчадан энди мактабга қадам қўйган бу беғуборлар учун ўзига хос муҳит яратилса. Биринчи синфдан учинчи синфгача алоҳида гуруҳда ўқитиладими ё бошқа йўл тутиладими? Истак шуки, боғчадаги беғуборлик, қизиқувчанликни мактаб муҳити маҳв этиб қўймаса. Ёки биринчи синфларга айнан шу боғчаларда дарс берилса.

Бу хулосани баъзи бир кузатувлардан кейин айтяпмиз, албатта.

Биз эса Матлуба Абдураҳмоновага хайрли ишларида муваффақият, сабр тилаймиз. Илоҳим, фидойи, ўз ишини яхши кўрадиган тарбиячиларимиз кўпаяверсин.

**Абдураҳмон ЖЎРА.**







*Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 49-ўрта мактаб шаҳардаги таниқли илм масканларидан бири ҳисобланади. Яқинда мактабнинг 5-«А» ҳамда 5-«Б» синф ўқувчилари математика фани бўйича ўзаро беллашдилар. Мазкур танловда 5-«Б» синф ўқувчиларининг Ал-Хоразмий гуруҳи ғолибликни қўлга киритишди.*

**Суратда:** *мусобақа жараёнидан лавҳа.*

**А. Мамадаминов олган сурат.**

*Янгича педагогик технологияга кенг йўл!*

# ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**** Иқтисодий фикрлаш ва компьютер .***
**** Статистик маълумотлар билан ишлаш.***
**** Мактабда иқтисодий билимларни ўқитиш масалалари семинарини ўтказиш.***

Мустақил Ўзбекистон ўзининг иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Белгиланган вазифалар ва бозор иқтисоди эҳтиёжларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларининг режалари ва ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилаяпти. Жумладан, мактаб дастури ва дарсликларига иқтисодий билим асосларини сингдириш масаласига алоҳида эътибор берилаётир. Бугунги мактаб иқтисодий таълим ва тарбияни 1-синфдан то мактабни битириб кетгунларига қадар беришдек шарафли ва масъулиятли вазифани зиммасига олган. Маълумки, бу ўқув йилидан ўқув режасига 9, 10, 11-синфларда давлат компоненти ҳисобидан бир соат ажратилган. Илм масканларининг 1-8-синфларида иқтисодий билим асослари ўргатилаётган ўқув фанларининг хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, ўқитувчи дарс жараёнига иқтисодий билим тушунчаларини сингдириб бориши, шу йўл билан ўқувчиларда билим ва малака ҳосил қилиши мумкин. Бошқача айтганда, интеграцион дарслар таклиф этилади. Мактабда иқтисодиёт фанини ўқитишнинг назарий муаммолари ва уларнинг ечимларини Чилонзор тумани мактабларида тажрибада синаб, холис таҳлил этиб, ҳамкасбларимизга тақдим этмоқдамиз.

Маълумки, иқтисодий фикрлашнинг асосини чуқур ва кенг билим ташкил этади. Иқтисодий таълим замонавий компьютерли таълим билан узвий боғлиқ. Бизнингча, иқтисодий билим асосларини ўрганиш методикасининг асосий масалаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, ўқувчиларда Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий шароити, имкониятлари асосида жаҳон қолипида фикрлаш тушунчасини таъминлаш керак. Иккинчидан, ўқувчиларни жуғрофия, математика, информатика фанларидан яхши таниш бўлган масалалар асосида иқтисодиётнинг асосий ғоялари ва услублари билан таништириш лозим. Учинчидан, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлиги асоси бўлган замонавий алгоритмик маданиятнинг етакчи компонентларини мақсад йўналишида ҳосил қилишдан иборат. Тўртинчидан, ўқувчиларни иқтисод, информатика ва компьютерларни ҳозирги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида қўллаш билан узвий таништириб бориш талаб қилинади.

Биз, таклиф қилаётган иқтисодий таълим мазмунининг асосий услубий хусусиятларини кўриб чиқамиз. Шундай хусусиятлардан бири унинг аниқ ифодаланган фанлараро алоқадорлигидир. Бунда иккита муҳим жиҳатга эътибор бериш керак.

Биринчи жиҳат — ўқувчиларнинг иқтисодий билим асосларини ўрганишдан оладиган билим, малака ва кўникмалари бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларга бошқа билим турларини ўрганишда керак бўлади. Бунда компьютер ва амалий ўқитадиган дастурлар мажмуидан фойдаланилади. Бу ерда фанларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзининг ўқув фаолиятида керакли ахборотни қайта ишлашда, иқтисодий тушунчаларни англашда, компьютерни қўллаш билимлари ва кўникмаларининг аввалдан ўқитилган умумтаълим билимларни фаол ва тезкор ишлатишда ифодаланади.

Фанлараро боғлиқликнинг иккинчи жиҳати иқтисодий билим асосларининг марказий ғоялари ва услубларини мактаб информатика ва математика фанларининг анъанавий масалалари устида шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, бу савияси баланд информатика муаллимларини назарий ва амалий тайёрлашни жуда осонлаштиради. Умуман, янги фанни ўқитишда статистика маълумотлари ва математика масалаларидан фойдаланиш тасодифий эмас, чунки бу масалалар ўқувчига тушунарли ва алгоритмик характерга эга.

Иқтисодий таълимда статистик маълумотлар билан ишлашни алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, жадвал катталиклар, массивлар, графика, диаграмма каби тушунчалар асосида жараёнларни таҳлил қилиш муҳимдир. Махсус иқтисодий таълимга йўналтирилган синфларнинг Х-синфларида эса асосий иқтисодий-назарий билимлар билан бир қаторда,. дастур тиллари, инглиз тили, математика иқтисодга йўналтириб ўқитилади, 11-синфда бўлса амалий иқтисод, аниқ иқтисодий масалаларга дастурлар тузиш, инглиз тилида қисман эркин гаплашиш, тест синовлари каби замонавий синов воситалари иқтисодий таълимнинг бутун мазмунига сингиб кетади ва ўқувчиларнинг тўлиқ компьютер ҳамда иқтисодий саводхонлигини шакллантиришда асосий восита бўлади.

Юқори синфда ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлиги, аввало, назарий компонентларни эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга ўқувчилар 9-синфдаёқ турли иқтисодий масалаларни қўйиш ва кичик масалаларга дастур тузиш кўникмаларини эгаллайдилар. 11-синф диққат марказида масалаларни компьютерда ечиш, иқтисодий компьютер дастур тизимларидан фойдаланиш, янгича иқтисодий тафаккур асосида фикрлаш ётади.

Махсус иқтисодий синфларда янги киритилган фанлар қандайдир умумтаълим фанлари учун амалий йўналиш, деб фикрлаш нотўғри. Бу бошқа фанлар тажрибаси асосида иқтисодиёт билан узвий ҳолда ахборотни қайта ишлашнинг усул ва воситаларини шакллантириш учун компьютерлардан фойдаланиш демакдир.

Юқори синфда иқтисодий таълимнинг бош масаласи мактаб таълими мазмунида биринчи бўлиб моддий ва номоддий ишлаб чиқариш масалаларини тушунтиришнинг замонавий йўллари ҳақида анча тўла фикрлар ҳосил қилади.

Иқтисодий масалани ечишга компьютерли ёндашишнинг моҳиятини ёритишда муаллим масаланинг икки жиҳатини кўрсатиши керак:

1) Иқтисодий масалани қандай ечиш, яъни масалани ечишнинг босқичларида статистик ёки математик формулани қўллаш.

2) Ўқувчига иқтисодий жараёнларда қўлланиладиган усул, услуб, ғояни қандай топишга ўргатиш.

Компьютер энг замонавий ўқитиш воситаси сифатида болага масалани қўйишдан бошлаб то олинган натижани иқтисодий таҳлил қилишгача имконият яратади. Иқтисодий жараёнларни компьютерли ўқитиш баъзан ўқувчиларга маълум билимлар доирасидан четга чиқувчи асослашларни талаб қиладиган масалалардан фойдаланишни ҳам тақозо этади.

«Мактабда иқтисодий билимларни ўқитиш масалалари»га бағишланган етакчи олим, мутахассис, ўқитувчилар иштирокида республика илмий-услубий семинарини ўтказиш ҳам ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Давлатимизнинг иқтисодиёт соҳасида юритаётган йўли ўзининг ижобий самарасини беради. Биз бозор муносабатларини изчил ривожлантириб бориш учун ҳам маорифимизни таҳлил қилиб, хатоларимиздан сабоқ чиқариб олишимиз зарур.

**Малик АБДАЛИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Чилонзор тумани халқ таълими бўлими мудири,**
**Бахтиёр КАРИМОВ,**
**шу тумандаги 138-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.**

*Адаб*

# ОТА-ОНА ҚАРҒАМАСИН

*Ҳар сафар ўқишдан вақт топиб, қишлоққа борсам кўчамиз бошидаги дарвозадан «Илоҳим, ўлигинг гўрда чиригур», «Ўлигинг кўчадан келгур» каби қарғишлар эшитилаверади. Дарвозага хоҳламайгина ташланган нигоҳим шу қарғиш эгаси — онанинг ёлғиз, ғарибона, ўйчан юзи билан тўқнаш келади.*

*У пайтлар мен ёш бола эдим. Бу онахонинг биздан 3 ва 5 ёшлар чамаси катта иккита ўғли бўларди. Она ўғилларини тинмай қарғар эди... Ўша кун ҳечам эсимдан чиқмайди. Аввалига катта ўғлининг ўлиги кўчадан келди. Тўхтаб турган тракторга мотоцикл билан урилиб вафот этибди. Ўшанда она «вой болам»лаб дод солди. Лекин бирон бора ҳам ўз қарғишидан пушаймон бўлмади. «Қарғишим урган ўғлим» деб дод солмади. Аста кунлар, ойлар ўтиб бу кўнгил жароҳати ҳам битди. Яна аввалгидек қарғай бошлади. Аммо бу сафар она кичик ўғлини қарғарди. Ўндай пайтлар баъзан маҳалламиз оқсоқоллари, онахонлар насиҳат қилиб, «Қўйинг, ўз ўғлингизни бунчалар қарғаманг. Она қарғиши — ёмон» дейишди. Орадан қанчадир вақт ўтди. Кичик ўғил ўғрилик билан қўлга тушди. Суд тўрт йилга озодликдан маҳрум қилди. Жазо муддатининг учинчи йилида бу ўғилнинг ҳам ўлиги кўчадан келди. Негадир шу сафар уввос солиб йиғлаётган онанинг фарёди менга унчалар таъсир этмади. Бувимнинг «Болам ота-она қарғиши тегади. Шу сабаб ҳеч вақт уларни норизо қилма», деган сўзларини ёдга олдим. Ва бувимнинг бу сўзлари қанчалар ҳақ эканлигига ана шунда яна бир карра амин бўлдим.*

*Афсуски, кўп ота-оналар ўз болаларини тинмай қарғашади. Ҳайратланарлиси, жажжи қизалоқлар ҳам укаларини «ергина юткур» дея қарғаётганлигига тез-тез дуч келамиз. Ёки ўғил болаларнинг эса сўкинаётганлигини эшитиб қоламиз. Шундай пайтларда халқимиз орасида кенг тарқалган «Ўғил бола отасидан, қиз бола онасидан тарбия олади», деган ҳикмат эсга тушади. Баъзиларимиз булар ёш-да ҳали, тушунмайди, деймиз. Энг катта фожиамиз ҳам ана шунда. Эртага ўша бола, ўша қиз ота ва она бўлади. Хўш, «тушунмай» айтилган бу сўзлар шунда ҳам давом этса, охири кимга жабр? Кексаларимиз эса ҳар бир гапга фариштлар омин дейди деб, бежиз уқтиришмаган.*

**Хайрулло АБДУРАҲМОН.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

**ДЕВАЛЬВАЦИЯ** (лат.— олд қўшимча, бу ўринда пасаймоқ маъносида ва лат. — қиймат) — миллий пул бирлиги курсининг чет эл валюталарига нисбатан расмий тартибда давлат томонидан пасайтирилиши, мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг ҳолдан тойиши; халқаро валюта бозорларида миллий валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда юз беради. 1978 йилгача валюталарнинг расмий қиймати уларнинг олтин таъминотини таққослаш орқали аниқланар эди. Девальвация илгари пул бирлиги таркибидаги олтин ҳиссасини камайтириш йўли билан амалга оширилган бўлса, энди халқаро келишувга мувофиқ барча қадри юқори валюталардаги олтин нисбатлари бекор қилингандан кейин пул бирлиги курсининг у ёки бу чет эл валютасига (одатда АҚШ доллари, Германия маркаси, инглиз фунт стерлинги ва бошқалар) нисбатан пасайтирилиши йўли билан амалга ошириладиган бўлди (1990 й. 1 ноябрдан сўм долларга нисбатан 1,8 сўм -1 доллар нисбатида девальвация қилинди). Яна қ. Ревальвация.

**ДЕВИЗЛАР(фр.)** — чет эл валютасида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобда қўлланадиган кредит ва тўлов ҳужжатлари (вексель, чек, ўтказмалар ва б.) Кенг маънода (аксарият қўлланиладигани ҳам) чет эл валютасида ифодаланган жами тўлов воситалари, яъни ҳам тўлов ва кредит ҳужжатларини, ҳам чет эл валютаси (банкноталар, қоғоз пул белгилари ва тангалар)ни ифодалайди.

**ДЕКОРТ (нем.)** — муддатидан олдин пули тўланганлик учун товар баҳосидан олиб ташланган чегирма, Декорт чегирмаси келишувдагига қараганда товар сифати паст (ёки бошқа намунадаги товар) бўлса ҳам қўлланилади.

**ДЕКУВЕР(фр. — қопланмаган)** — суғурта қилинувчи мол-мулк баҳоси билан суғурта миқдори ўртасидаги, суғурта қилувчи хатари ҳисобига қолдириладиган фарқ.

**ДЕЛИСТИНГ** — акцияларни биржанинг ёки компаниянинг ўз қарорига биноан рўйхатдан чиқарилиши, яъни листинг имтиёзларидан тамомила маҳрум бўлиши. Агар акцияларнинг ўзи қолмаган бўлса (фирма қайтариб олса ёки янгисига алмаштирган бўлса); компания активсиз қолса ёки синса; акцияларни ошкора жойлаштириш мақбул бўлмаган кичик ҳажмга эга бўлса; компания листинг келишувини бузса делистинг қўлланилади.

**ДЕЛЬТА** — биржа котировкаси ўзгаришига қараб опцион мукофоти ўзгариши нисбати. Дельта қиймати 1 дан 0 гача бўлиб, нақд товар бозорида мажбуриятларни хежирлаш учун зарур бўлган опционлар миқдорини ҳисоблашга имкон беради.

**Боши ўтган сонларда.**

**(Давоми бор.)**

*Янги қўлланмалар*

# БОБОЛАР МЕРОСИ — ХАЗИНА

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида яратилган улкан маънавий мерос билан фахрланади. Чунки тарихда «Турон», «Мовароуннаҳр», «Туркистон» номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Узбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар барпо этилди. Қадимги Хоразм илм-фан ва маданияти тараққий этган, буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешикларидандир. Хоразм (кўҳна Урганч ва Хива)нинг ноёб тарихий ёдгорликлари, шу эл мутафаккирлари Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ўғли ва бошқаларнинг асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Тадқиқотчи Солий Ҳасанов «Хоразм маърифати — олам кўзгуси» («Ўқитувчи» нашриёти) китобида Хоразм мутафаккирлари ва маърифатпарвар шоирларнинг педагогик меросига эътиборини қаратган ва алломаларнинг илм-фан хазинасига, хусусан, педагогика фани тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга у Хоразм мутафаккирларининг маърифий-педагогик меросидан бугунги кунда қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида қимматли тавсияларни ҳам беради.

Муаллиф илмий тадқиқотининг энг қимматли томонларидан бири шундаки, илмий ишда мустақил Хоразмшоҳлар давлатида Абу-али Аббос Маъмун ибн Маъмун (999—1017) ҳукмронлиги даврида Гурганчда фаолият кўрсатган «Маъмун Байтул ҳикмаси» («Маъмун академияси») да хизмат қилган Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абул Хайр ибн ал-Хаммар, Абу Мансур ал-Саолибий, Абу Бакр Муҳаммад ал-Хоразмий ва бошқа машҳур олимлар фалсафа, мантиқ, тиббиёт, тарих, тил ва адабиёт, фалакиёт, физика, химия, риёзиёт, жуғрофия, мусиқа, фиқҳ каби фанлар бўйича бебаҳо асарлар яратиб, жаҳон илм-фани ва Хоразмдаги маърифий-педагогик фикрлар тараққиётига катта ҳисса қўшганлиги таҳлил қилинади. Бундан ташқари, «Маъмун академияси»дан 100 йил кейин, яъни XII асрда Хоразмда Қутбиддин Муҳаммад I ибн Ануштегин (1097—1127) ва унинг ўғли ал-Малик Али Музаффар Алоуддин Жалолиддин Отсиз (1128—1156) ҳукмронлиги даврида ҳам фанлар академияси ташкил этилганлиги ва бу илмий-маданий марказ 60 йил фаолият кўрсатганлиги, Исмоил Журжоний, Ҳаким Азрақий, Абдураҳмон Марвазий, Абдураҳмон Журжоний, Фахриддин ар-Розий, Умар Чағминий каби алломалар илм-фан ва маърифий-педагогик тафаккур ривожланишига улкан ҳисса қўшганлиги ҳақида шу кунгача жамоатчиликка маълум бўлмаган янги маълумотларни беради.

Китобда «Авесто»даги таълим-тарбия методлари ва Хоразм халқ педагогикасида таълим-тарбиянинг анъанавий шакллари тарихий-адабий ва фалсафий манбалар асосида пухта ва ҳаққоний тадқиқ этилган. Иккинчи бобда феодализмнинг ривожланиши даврида Хоразмда табиий-илмий ва маърифий-педагогик фикрларнинг ривожланишига берилган тавсиф, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Учинчи бобда эса XV—XVIII асрларда Хоразмда маърифий-педагогик фикрларнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммадниёз Нишотий, Роқим, Мунис Хоразмий, Огаҳийларнинг маърифий-педагогик мероси атрофлича таҳлил қилинган ва муаллиф ўз илмий-назарий хулосаларини баён этган.

Мазкур тадқиқотнинг ижобий хусусиятлари ҳақида гапирганимизда, энг мураккаб масалалардан бири — Хоразмда «Ёш хиваликлар» жадидчилик ҳаракатига берилган ҳаққоний баҳони қайд қилиб ўтишни ҳам лозим топдик. Муаллиф «Ёш хиваликлар» жадидчилик ҳаракати маърифатпарварлик дастурининг ҳам мусбат, ҳам манфий жиҳатларини холисона таҳлил қилиб берган. Жадидчилик ҳаракати муносабати билан «Ёш хиваликлар» ташкилоти фаоллари Бобоохун Салимов, Полвонниёз, Ҳожи Юсуф, Ислом Хўжа, Жуманиёз Ҳожи ибн Хивақий, Ҳасанмурод Лаффасий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Аваз Ўтар ўғли, Аҳмад Табибий, Мутриб, Рожий, Фақирий, Баёний, Сўфи, Чокар, Девоний, Худойберган Девонов, Отажон Абдалов, Ҳусаинбек Матмурод Девонбеги ўғли, Мулла Матмурод, Мулла Бекчон, Муродов, Исомиддин, Эшон, Низомохун, Отажон Хўжаниёзов, Раҳимберган Ёқубов, Муҳиддин Умаров, Худойберган Матниёзовларнинг фаолияти тўғрисидаги мулоҳазаларга қўшилмасдан иложимиз йўқ. Чунки мустақил бўлгунимизгача юқорида номлари зикр этилган жадидларга салбий муносабат билдириб, уларнинг маърифий-педагогик фаолиятини ва яратган дарсликларини қоралаб юрган бўлсак, муаллиф уларнинг қилган хизматларини ва асарларини мустақиллик асносида қайтадан таҳлил қилади ва янги тарбия тизимига мослаштириб тўғри баҳолайди.

Мазкур изланишнинг ижобий томонларини баён этиш билан бирга, талай баҳсли жойлар, бир-бирига зид фикрлар ва баҳолар айрим хулосалар ҳам учрайдики, булар ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш жоиз. Масалан, иккинчи бобни «Феодализмнинг ривожланиш даврида Хоразмда табиий-илмий ва маърифий педагогик фикрларнинг ривожланиши» деб атамасдан, балки «Феодализмнинг ривожланиш даврида Хоразмда маърифий-педагогик фикрларнинг ривожланиши» дейиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, хоразмлик жадидларнинг исм-шарифларини ва фаолиятини ёритишда хронологик тартибга қатъий риоя қилинмаган, яъни жадидчилик фаолияти бир-бирига яқин бўлган намояндаларнинг хизматларини баҳолашда айрим ноаниқликларга ва қайтариқларга йўл қўйилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Бу жузъий камчиликлардан қатъи назар муаллифнинг мазкур тадқиқоти Ўзбекистонда педагогика тарихининг энг қадимги davридан XIX аср охиригача бўлган даврини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

**Жумабой РАҲИМОВ,**
**Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТнинг «Ўзбекистон тарихи назарияси ва методикаси» бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди.**

